

«MARIKON AUDIT»
Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳри
Буюк Ипак Йўли кўчаси, 139 уй
Тел.: 268 49 60, Факс: 267 62 07
Х/р № 20208000304050179001 ЎзРес ТИФ МБ нинг Мирзо Улуғбек бўлимида, МФО
00895, СТИР 203248237, E-mail: marikonaudit@mail.ru

№ 56
15.04.2015 й.

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик хулосаси – “Ўзбекистон Республикаси Товар-Хомашё Биржаси” Акциядорлик Жамияти (матндан кейинда – “ЎзРТХБ” АЖ, юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77, реквизитлари: Х/р № 20208000900600257001, АББ “ТРАСТБАНК” Марказий Амалиётлар Бошқармасида, МФО 00491, СТИР 200933985, ОКОНХ 84100, Тел.: 113 33 33) га берилди.

Аудиторлик хулосаси “MARIKON AUDIT” (манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 139 уй. Х/р № 20208000204050179001, ХЕАТБ “DAVR-BANK” нинг Мирзо Улуғбек бўлимида, МФО 01072, лицензия серия рақами АФ № 00030, ЎзРе Молия Вазирлиги томонидан 14.02.2008 й.да берилган, Суғурта полиси СОАО №2015-4, MADAD суғурга компанияси томонидан 06.04.2015 йилда берилган) МЧЖ томонидан тайёрланган. “MARIKON AUDIT” МЧЖ нинг Мустақил аудитори – Корниенко В.А., (сертификат № 04903, 18.12.2010 й.) 2013 йил 18 октябрдаги № АА-1810 сонли шартномага биноан “ЎзРТХБ” АЖ нинг 2014 йил учун илова қилинган бухгалтерия ҳисобининг аудити ўтказилди.

Аудит ЎзРес 26.05.2000 й.даги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни, ЎзРес Аудиторлик фаолияти Стандартлари ва Аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот таркибида бирор бир фактларни жиддий бузилиши ҳолатларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида етарлича далилларга эга бўлиш мақсадида, аудиторлик текширувини тегишлича режалаштирилди ва ўтказилди. Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва ўтказишда, биз “ЎзРТХБ” АЖ даги ички назорат тизими ҳолати ва функциясини кўриб чиқдик.

Молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қилинганлиги кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилиш учун жавобгарлик “ЎзРТХБ” АЖ маъмурияти зиммасига юклатилади. Ушбу молиявий ҳисобот юзасидан олиб борилган аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад мазкур ҳисоботнинг барча аҳамиятли жихатларидан ҳаққонийлиги тўғрисидаги фикрини ифодалаш мақсадида етарлича маълумот ва ахборотларни танланма йиғишдан иборат.

